

АГЗАМХОДЖАЕВ Сандакбар Сандович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом тарихи ва манбаишунослиги IRCICA
кафедраси профессори, тарих фанлари доктори
saidakbar53@mail.ru

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДА ШАЙХОНТОХУР ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

ЗНАЧЕНИЕ КОМПЛЕКСА ИСТОРИЧЕСКИХ ПАМЯТНИКОВ ШАЙХОНТОХУР В КУЛЬТУРНОЙ И ДУХОВНОЙ ЖИЗНИ ГОРОДА ТАШКЕНТА

THE SIGNIFICANCE OF THE COMPLEX OF HISTORICAL MONUMENTS OF SHAYKHONTOKHUR IN THE CULTURAL AND SPIRITUAL LIFE OF THE CITY OF TASHKENT

Аннотация. Ушбу мақолада Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳудудида жойлашган Шайхонтоҳур тарихий ёдгорлик мажмуаси ҳақида сўз юритилади. Бу ердаги осори атиқалар ўзбек халқининг тарихи, маданияти, руҳий оламининг бойлиги ва ушбу жойларнинг нақадар азиз ва буюк эканлигини Ўзбекистон, Қозоғистон бошқа хорижий мамлакатлардан зиёратга келган меҳмонларга тушунтириб бериш ва кўрсатиш учун “Шайхонтоҳур даҳаси – маданият, маърифат ва маънавият маркази” номли ҳудудий очиқ осмон тагидаги музейни ташкил этилиши ҳақида таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Тошкент, Шайхонтоҳур мажмуаси, тарихий ёдгорлик, зиёратгоҳ, мақбара, Шайх Хованд Тоҳур, Толе-би, Юнусхон, зиёрат туризми.

Аннотация. В данной статье рассказывается об историческом памятном комплексе “Шайхонтохур”, расположенном на территории Международной исламской академии Узбекистана в Ташкенте. Внесены предложения по организации здесь музея под открытым небом с названием “Шайхонтохурский район – центр культуры,

просвещения и духовности”, чтобы показать и разъяснить посетившим туристам из Узбекистана, Казахстана и других зарубежных стран насколько драгоценны и велики эти места, и что находящиеся здесь антиквариаты – это история, культура и богатство духовного мира узбекского народа.

Ключевые слова: Ташкент, комплекс Шайхонтохур, исторический памятник, святыня, мавзолей, Шайх Хованд Тоҳур, Толе-би, Юнусхон, паломнический туризм.

Annotation. This article talks about the historical memorial complex “Shaykhontokhur”, located on the territory of the International Islamic Academy of Uzbekistan in Tashkent. Proposals have been made to organize an open-air museum, here with the name “Shaykhontokhur district – is a center of culture, education and spirituality”, in order to show and explain to visiting tourists from Uzbekistan, Kazakhstan and other foreign countries how precious and great these places are, and that the antiques located here are this is the history, culture and wealth of the spiritual world of the Uzbek people.

Keywords: Tashkent, Shaykhontokhur complex, historical monument, shrine, mausoleum, Shaykh Khovand Tohur, Tole-bi, Yunuskhon, pilgrimage tourism.

КИРИШ

Ўзбекистон халқи ўзининг буюк тарихи ва ўтмиши, бой маданий мероси, бетакрор урф-одат ва анъаналари билан ажралиб туради. Асрлар давомида шаклланиб, сайқал топган моддий, маданий ва маънавий бойликлари инсон ақл-идроки ва тафаккурининг буюк ютуғидир. Жумладан, зиёратгоҳлар, зиёрат маросимлари ва урф-одатлари ҳам мана шу заминда яшаб келаётган халқларнинг диний дунёқараши асосида шаклланиб, Ўзбекистон халқи менталитетининг ажралмас қисмига айланган десак хато бўлмайди.

Зиёратгоҳлар, мақбаралар ва қабристонлар омма эътиқодини ифода этувчи мукаддас жойлар маънавий озуқа берувчи омиллар бўлибгина қолмай, узоқ-яқиндан зиёрат қилиш учун келган инсонларнинг учрашиш, маданият алмашиш маркази сифатида ва ёш авлод тарбиясида олий туйғуларни шакллантиришда жуда муҳим роль ўйнайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Зиёрат – “бирор ерга бориш” маъносини билдирган сўз, маданиятнинг ўзига хос

кўриниши бўлиб, асрлар давомида сақланиб келаётган маросимлардан бири ҳисобланади. “Зиёратгоҳ” атамаси эса ислом динида табаррук мазорлар ва қадамжолар маъносини билдиради. Зиёратгоҳлар ўтган замонда қайсидир таниқли арбобнинг қабри ёки макбараси ҳисобланган. Асрлар давомида халқ бу қадамжоларга ташриф буюриб, мунтазам зиёрат қилиши натижасида аста-секин аҳолининг муқаддас зиёратгоҳларига айланган.

Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда “Шарқ дарвозаси” деб ном олган, халқнинг ғурур-ифтихори бўлмиш Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилиги тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Қадимдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган Ўзбекистон пойтахти Тошкентнинг 2200 йиллигини юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқ, айниқса, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтирди.

Тошкент ўтмишда ўзининг маҳобатли бинолари билан сайёҳларни ром қилган бўлса, ҳозирда ҳам ўша даврлардан бери сақланиб қайта таъмирланиб келаётган обидалари, янги қурилатган гўзал ва мухташам иншоотлари билан шаҳар аҳолиси ҳамда ташриф буюрувчиларни жалб этмоқда.

Ўнлаб зиёратгоҳларни ўзида мужассам қилган Тошкент шаҳри ҳозирда ҳам Марказий Осиёдаги энг қадимги ва ноёб обидаларига эга. Мана шундай обидалардан бири Шайх Хованд Тохур тарихий ёдгорлик мажмуасидир. Шайх Хованд Тохур тарихий ёдгорлик мажмуаси Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида жойлашган. Туман номининг келиб чиқиши ҳам ушбу исм билан аталувчи улуғ зотга боғлиқдир. Аниқроғини айтсак, бугунги кунда бу зиёратгоҳ Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳудудида жойлашган. XIX асрда Шайхонтоҳур Тошкент шаҳрининг тўрт даҳасидан бири бўлиб, у жанубдан Бешёғоч, ғарбдан Қўкча, шимолдан Себзор даҳалари билан чегарадош бўлган. Бу тўртала даҳа ҳам мингбошилар томонидан бошқарилган. XIX аср ўрталарида Тошкентдаги мавжуд 12 дарвозаларнинг учтаси, яъни Қўймас, Қўкон ва Қашқар, шунингдек 48 та маҳалла, 70 та масжид, 3 та мадраса Шайхонтоҳур даҳасида

бўлганлиги манбаларда кўрсатиб ўтилган [1:388].

Шайхонтоҳур ёдгорлик мажмуасида йигирмага яқин обидалар бўлган. Улардан, жанубий қисмда дарвозахона, Эшонқули додхоҳ мадрасаси ва Занжирлик масжиди, Лангар ховузи, Шайх Хованд Тохур макбараси, Толе-би (Қалдирғоч-би) макбараси, Юнусхон макбараси, зиёратхона, Аврат масжиди, Юнусхон мадрасаси, Ғариббой ва Саидазимбой масжидлари, унинг ёнида Ховуз, минора ва бошқалар [2:76].



Ўша даврда Шайхонтоҳур мажмуасига асосий кириш йўли чортоқ шаклидаги дарвоза орқали – Тошқўча (ҳозирги Навоий) кўчасидан бўлган. Ўз даврида Тошқўча шаҳарнинг энг катта шоҳкўчаси бўлиб, унинг эни етти метрни ташкил этган. Бу кўча обод ва чиройли ҳисобланиб, кечқурунлари икки ёнига ўрнатилган қатор фонуслар билан ёритилган эди.

Шайх Хованд Тохур (1279–1355 йй.)

Тарихий маълумотларга кўра, Шайх Хованд Тохур XIII аср иккинчи ярмида Тошкент вилояти ҳудудида таваллуд топиб, шу ерда яшаган суфий олимлардандир. У умри давомида халқ, жамият хизматида бўлиб, одамларнинг илму маърифати, дину диёнатини юксалтиришда жидду жаҳд қилган. Шайх Хованд Тохурнинг отаси ҳам ҳозирги Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида дафн этилган етук фозиллардандир. Мовароуннахрнинг етук кишиларидан саналган нақшбандийлик тариқатининг йирик намояндаси Хўжа Ахрор Валий (1404-1490)

хам ушбу зотнинг авлодларидан ҳисобланади. Кўриниб турибдики, Шайх Хованд Тохур аждодлар ва авлодлар силсиласи табаррук хонадондан экан.

1279 йилда туғилган Шайх Хованд Тохур асли Бўстонлиқ туманидаги Боғистон қишлоғидан бўлиб, боғистонлик машхур Шайх Умар Боғистонийнинг ўғлидир. Ул зот ўз замонасининг йирик мутасаввифларидан бўлгани сабабли Шайх Хованд Тохур илоҳиёт ва тариқат илмининг илк сабоқларини ўз падари бузрукворидан олган.

Шайх Хованд Тохур эътиқодли, илмли ва фазилатли оилада дунёга келган. Унинг она томони ҳам ота хонадони ҳам илм ва фазл эгалари бўлган. Онаси томонидан бобоси бўлмиш мавлоно Тожиддин Дарғамий ҳақида “Рашаҳот айнил-ҳаёт” асарида шундай дейилади: “Мавлоно Тожиддин Дарғамий... ўз замонасининг ақибларидин бўлиб, зоҳирий ва ботиний билимларнинг олими, тақво, руҳий олам аҳволини билиш ва зоҳирий кароматлари бирла машхур эрдилар” [3:5].

Шайх Хованд Тохур исмидаги “хованд” сўзи форсча “тегишли”, “мансуб” деган маънони билдиради. “Тохур” сўзи “тоза”, “ниҳоятда пок”, “ниҳоятда покиза” деган маънони билдириб, ўғил болаларга Тохур, Тохир шаклида, қиз болаларга Тоҳира шаклида исм сифатида қўйилган.. “Шайх” эса “тариқат ва шариятда юқори босқичларга чиққан шахс” маъноларини англатади. Демак, мазкур сўз “Шайхлар авлодига мансуб Тохур” деган маънога тўғри келади [4:136].

Шайх Хованд Тохур ўша тарихий даврда Шош (ҳозирги Тошкент) шаҳрида энг мўътабар, ўз даврининг ўқимишли шахсларидан, кўзга кўринган дин уламоларидан бири бўлиб, у урф-одат, одоб-ахлоқ мавзусига оид китоблар, ҳатто шеърлар ёзгани маълум. У ислом оламида ўз йўналишига эга бўлган “Яссавия” тариқати йўлидан борди, мазкур тариқат маслакдошларидан бир нечаси билан мулоқотда бўлиб, фойдали йўл-йўриқлар олди.

1355 йилда Шайх Хованд Тохур вафот этади. Унинг вафотидан кейин унга атаб бунёд этилган ёдгорлик унинг эвараси, нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси Хўжа Аҳрор Валий томонидан XV асрда аллома дафн этилган жойга икки хонали мақбара қурилади

Ҳозирги кунда сақланиб қолган тарихий ёдгорлик XV асрда бунёд этилган кўҳна мақбара пойдевори устига XVIII – XIX асрларда қурилган. 1999 ва 2008 йилларда реставрация ишлари олиб борилганда, Мовароуннаҳрда XIV аср охирида ривожланган икки хонали мақбара-комплекс сақлаб қолинган.

Шайх Хованд Тохурдаги фазилатларни қадрлаган Тошкент аҳолиси унинг вафотидан кейин ўзи дафн этилган бу ерларни обод этадилар. Кейинчалик бу ҳудудни илмий мажлислар, турли сайлгоҳ ва ибодат маросимлари ўтказиладиган масканга айлантирадилар.

Толе-би (Қалдирғоч-би) (1663-1756 йй.)

Толе-би Алибек ўғли 1663 йилда Қозоғистоннинг Жамбул вилояти Жайсан деб номланган жойда туғилган ва 1756 йилда 93 ёшида Чимкент вилояти Ленгер туманидаги Акбурхан-ўрда жойда вафот этган. Толе-би ўз даврининг таниқли шахслар қаторида қози (судья) сифатида танилган. У “Жети Жарги” қонунлар тўпламини тузишда муаллифлардан бири бўлган. Толе-би халққа мурожаат этиб, деҳқончилик билан шуғулланишга, кўчманчиликдан ўтрок ҳолатига ўтишга, чорвачиликни шаҳар ҳаёти билан боғлашга даъват қилгани учун унинг обрўси кўтарилди [5:110-112].

Толе-би ўз ҳаёти давомида меҳрибон ва доно инсон сифатида танилган, бунининг номи билан боғлиқ ривоятлардан бири тасдиқлайди. Ривоятга кўра, одамлар бир жойдан бошқа жойга кўчаётган пайтда Толe-би яшаб турган ўтов (юрта)ни йиғмасдан турган, чунки ўтовининг юқори қисмида ясалган қалдирғоч инини бузгиси келмади. Толe-би қалдирғочни болалари билан сақлаб қолгани учун унга халқ “Қарлиғач” ёки “Қалдирғоч-би” деб ном берди. Шундан кейин у “Қалдирғоч-би” номи билан элда танилди [6: 2].

Толe-би (Қалдирғоч-би) мақбараси яхлит хонадан иборат. Гумбази пирамидасимон шаклда бўлиб, меъморий услубига кўра бошқа обидалардан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бундай пирамида шаклидаги мақбаралар Ўрта Осиёнинг шимол қисмида яшовчи туркий қабилаларга хосдир. Ўша даврда Еттисув ва Хоразм ҳудудларида бунга ўхшаш мақбаралар бунёд этилган.

1999 ва 2008 йилларда таъмирлаш ишлари олиб борилганда, макбаранинг ташқи гумбази, унинг остидаги думалоқ қисми ҳам қайта қурилди. Хонанинг тўрт бурчагида 3 та тахмон ва зинапоя мавжуд. Хонанинг ўртасида янги мрамардан ишланган қабртош жойлаштирилди. Охириги йилларда макбарага кўплаб сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли келиб турибди. Бу жой қозок халқи учун айниқса муҳимдир, чунки у миллий тарихи ва ўтмишига бевосита таалуклидир. Шунингдек, Қозоғистонлик зиёратчилар Тошкентга келгач, бу муқаддас даргоҳга бир неча бор ташриф буюриб, унга гул қўйиб, ўз халқи қаҳрамонига ҳурмат бажо келтиришади.

Юнусхон (1416–1487 йй.)

Шайхонтоҳур тарихий ёдгорлик мажмуасининг ғарбий томонида Юнусхон макбараси жойлашган. Юнусхон Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг онаси Қутлуг Нигорхонимнинг отаси бўлиб, ўша даврда Тошкент шаҳрига ҳокимлик қилган. “Бобурнома” асарида ёзилишича, Юнусхон Чигатой наслдан бўлиб, 1416 йилда туғилган. Фалаж касали билан 1487 йилда вафот этади. Юнусхон вафотидан сўнг тахтга ўтирган унинг ўғли Аҳмадхон Олачахон томонидан 1487-1502 йилларда мазкур макбара қурдирилади [1:412].

Макбара тўртбурчак тархли, пештоқ гумбазли, катта хона, икки ёнида қўш хужралардан иборат. Бинонинг ташқи гумбази, пештоқ равоғи 1866 йилда Тошкентда бўлган зилзилада бузилиб кетган. Кейинчалик макбара тикланган ва бир неча марта таъмирланган. 1913 йилда макбаранинг жануб томонида минора қурилган. Минора ёнида эса, ҳар йили диний маросимларда қатнашишга келувчи амалдорлар учун шийпон қурдирилган. Юнусхон макбараси ёнида яна шу ном билан аталувчи Юнусхон мадрасаси, ҳамда икки йирик савдогарлар Саидазимбой ва Ғариббой томонидан бунёд этилган ва улар номи билан аталган масжидлар ҳам бўлган. 1999-2013 йилларда макбара тубдан таъмирланган.



Асрлар оша юқорида зикр этилган тарихий шахсларнинг дафн этилган жойи табаррук зиёратгоҳлардан бирига айланди. Мустақиллик йилларида эса Ўзбекистон бўйича юзлаб зиёратгоҳлар қатори ушбу мажмуага ҳам алоҳида аҳамият қаратилди. Айниқса, Шайхонтоҳур мажмуаси ҳудудида Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолият юритиши бу ерга берилган алоҳида эътиборнинг ёрқин намунаси ҳисобланади.

2007 йилда Ислам Конференцияси Ташкилоти (ИКТ)нинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган тузилмаси – ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши улкан тарихий ва маданий-маърифий воқеа бўлди. Тошкент шаҳри бундай юксак унвонга Ўзбекистон халқининг ислом маданияти, фалсафаси, илм-фан ривожига қўшган буюк ҳиссаси, тарихий обида ва меъморчилик намуналари, ноёб қўлёзма манбаларга бойлиги туфайли сазовор бўлди. Бу ўлка алломаларининг қадимдан нафақат ислом цивилизацияси, балки умумжаҳон цивилизацияси ривожига муҳим ҳисса қўшгани ҳам эътиборга олингани шубҳасиздир.

Шундай қилиб, шуни айтиш мумкинки, мустақилликка эришиш сабабли Шайх Хованд Таҳур, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Қафқол Шоший, Шайх Зайниддин, Занги ота ва бошқа авлиё ва шайхлар тарихи, уларнинг ҳаётлари, босиб ўтган йўллари ўрганишга катта имконият туғилди. Демак, энди зиёлилар олдида бу алломаларнинг илмий меросини чуқур ўрганиб, панду насиҳатларини келажак авлодларга етказиш вазифаси турибди. Чунки бу зотлар ўз даврларида халқнинг маънавияти,

маърифати, ахлоки, фикр ва тасаввурларининг шаклланишида катта хизмат қилганлар.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси худудида жойлашган Шайхонтохур ёдгорлик мажмуаси ва бу ердаги осори антиқалар халқнинг тарихи, маданияти, руҳий оламининг бойлиги ва ушбу жойларнинг нақадар азиз ва буюк эканлигини Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва бошқа хорижий мамлакатлардан зиёратга келган меҳмонларга тушунтириб бериш ва кўрсатиш учун **“Шайхонтохур даҳаси – маданият, маърифат ва маънавият маркази”** номли худудий очик осмон тагидаги музей ва махсус хона ичида кичик музейни ташкил этилиши самарали натижаларга олиб келади деган фикрдаман.

Бу мақсадга эришиш учун Ўзбекистон халқаро ислом академияси худудида Юнусхон макбараси ёнида жойлашган айвонбинони ичида “Тарихий ўлкашунослик”, “Музейшунослик”, “Меъморий ёдгорликлар тарихи”, “Каллиграфия, эпиграфика ва эски ўзбек ёзуви”, “Нумизматика”, “Ислом тарихи”, “Ислом манбашунослиги” ва бошқа фанлардан амалий машғулот ва мустақил ишларни бажариш учун музейлашган ўқув лабораториясини ташкил этиш таклиф этилади.

Ўзбекистоннинг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган хиссасини кўргазмали воситалар, жумладан маданият ва санъат намуналари орқали кўрсатиш таълим тизимининг мақсадларидан бирига айланади.

Бу ўқув лабораторияда кўрсатилган тарихий фанлардан амалий машғулотларни ўтказиш бўйича янги педтехнологиялар ишлаб чиқилад ва синовдан ўтказилад. Бундай лабораторияни ташкил этилиши зарурияти ва долзарблиги шундан иборатки, у талабаларда маърифий ислом ҳақидаги тасаввурларни тўғри шакллантиришга қаратилган. Музей фаолияти музейда жамланган фонд асосида юритилади.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, **“Шайхонтохур даҳаси – маданият, маърифат ва маънавият маркази”** музейи-лаборатория экспозициясининг асосий мақсади ва ғояси бу – Тошкентда ўтмишдан то бугунги кунгача ислом маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши босқичларини, ислом цивилизациясининг жаҳон тарихи ва

цивилизациясида тутган ўрнини археологик топилмалар, моддий ва ёзма манбалар, ашёвий далиллар, санъат ва адабиёт намуналари, географик харита, схема ва кластерлар орқали кўрсатиб беришдан иборатдир.

Бу меросни биз ворис бўлган ана шу моддий ва маънавий меросни замон талаблари асосида кенг ва атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, ундан халқни баҳраманд қилиш масаласи Ўзбекистон раҳбарияти ва жамоатчилиги алоҳида аҳамият бериб келаётганини таъкидлаш лозим.

Маданий ва маърифий қадриятларни ўрганиш, асраш ва ҳимоя қилиш, шу асосда ёш авлодни қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш бўйича биз музейшунос, архившунос, ўлкашунос, археолог ва тарихчилар олиб бораётган ишлар жамоатчиликка маъқул бўлмоқда. Сунгги йилларда зиёратгоҳлар тарихини ўрганиш, қайта тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси етакчилиги килмоқда. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонда зиёрат туризмнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тошкент: Энциклопедия / Таҳрир ҳайати: Н.Тўқлиев (Бош муҳаррир), ... М.Аминов (масъул муҳаррир) ва бошқалар. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – 495 б.
2. Муҳаммадкаримов А. Тошкентнома. Тарихий-топонимик лавҳалар. Биринчи китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – 169 б.
3. Исломов З., Мақсудов Д. Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуаси. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2005. – 44 б.;
4. Эралиев Б. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари: Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри / Б.Эралиев, И.Остонақулов, Н.Абдулахатов. – Тошкент, “Turon Zamin Ziyo”, 2015. – 356 б.
5. Жолдасбекұлы М., Салғараұлы Қ., Сейдімбек А. Әлібекұлы Төле би // Елтұтқа. Ел тарихының әйгілі тұлғалары. — Астана: KÜL TEGIN, 2001. – С. 110-112.
6. Төле-би // <https://ru.wikipedia.org/wiki/Төле-би>.